

## ТАРСУС - ҲАДИС ИЛМИ МАРКАЗИ СИФАТИДА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15634596>

**Ҳ.Юсупов**

*Имом Бухорий номидаги*

*Тошкент ислом институти*

*“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси ўқитувчиси*

### Аннотация

ушбу мақола орқали ҳозирги Туркия ҳудудининг Ислом тарихидаги шонли босқичи, ҳадис илми маркази сифатидаги қиммати ҳамда Қўстантиния фатҳи сабаб ва босқичлари ҳақида тўхталиб ўтилади.

### Annotation

This article delves into the glorious period of Islamic history in the territory of present-day Turkey, its significance as a center for hadith scholarship, and the causes and stages of the conquest of Constantinople.

### Калит сўзлар

Тарсус, Қўстантиния, Муҳаммадфотих, биринчи денгиз флоту, халифалар, умавийлар, аббосийлар, тайёргарлик, фатҳ.

### Keywords

Tarsus, Constantinople, Mehmedfatih, first naval fleet, caliphs, Umayyads, Abbasids, preparation, conquest.

**Кириш қисми:** Тарсус. Ҳозирги Туркия. Ислом тарихида Шом диёри. Константинопль ҳам бу жойлар қатори Рум империяси йирик пойтахти, ҳудуди, Ислом фатҳи чегараси бўлганидан доимо диққат марказида турган. Қолаверса, Қўстантинияни фатҳ қилиш ва бу орқали ғарбга Исломни ёйиш умиди бўлган. Табиийки, бу фатҳ денгиз йўлисиз амалга ошмасди. Тарих зарварақларига Қўстантиния фотиҳи деган шарафли номга Муҳаммад фотих Аллоҳнинг изни ила сазовор бўлгани битиб кўйилгани маълум ва машҳур<sup>5</sup>.

**Асосий қисм:** Фатҳ денгиз орқали амалга оширилган. Муҳаммад фотихнинг бу ишига сув кўп халал берган. Чунки Константинопль сувнинг бўйида қурилганди. Мустаҳкам қалъа ва деворлар билан ҳимояланганди. У томонга ҳаракат бошланиши билан улар денгизга нефть тўкиб юборишар

<sup>5</sup> Доктор Саййид Ризвон Али. Ас-Султон Муҳаммад Фотих батол ал-фатҳил Исламий фи урубба аш-шарқийя. – Саудия: дор ас-суъудийя, 1982. С. 22.

хамда устидан ўт ёқиб, фатҳга ҳаракат қилганларни мағлуб этишарди. Олдидан кема билан боришнинг иложи бўлмагач, султон Муҳаммад ҳам орқа тарафдан курукликдан кемани юрғазиб, уларга билдирмай ҳужум қилган ва фатҳни қўлга киритган<sup>6</sup>. Ўқувчини: **«Нима, аввалгилар ҳаракат қилмаганми, Муҳаммад фотиҳгача ўтганларнинг бу ишда ҳиссаси йўқми»**, каби саволлар қизиқтириши мумкин. Албатта, бу саволларга ҳа деб жавоб бериш, Ислом тарихига хиёнат қилиш демакдир. Чунки фатҳга ҳаракат Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврлариданок бошланган. Муовия розияллоҳу анҳу шомга волий бўлибди ҳамки, халифага бориб кема яшаш, денгиз флотини куриш таклифини билдиради. Араб яримороли, Ҳижоз аҳли – буларнинг бари куруклик шерлари. Улар учун денгиз, сув устида жанг қилиш тамомила бегона. Сувдан, боринг ана, мисрликлар, Шом вакиллари, исқандария аҳолиси хабардор бўлса бордир. Араб жазираси учун эса сув ёт<sup>7</sup>!

У пайтлар Форс фатҳ бўлди. Ироқ, Хуросонга қадар етиб боришди. Шом ҳам, Ироқ ҳам буткул Ислом фатҳи олдида таслим бўлди. Муовия розияллоҳу анҳу ҳам халифадан кемасозликни йўлга қўйишни фатҳ мақсадида сўрадилар. Чунки бу масала мусулмонларга оғриқли масала бўлиб турганди. Форс империяси Ироқни мустамлака қилганди, у билан ҳижозга таъсир қилиб турарди. Сабаби Ҳижозда, тожли бир султонлик ёки бир кишига бўйсунадиган ҳокимиятнинг ўзи йўқ эди. Халқ қабила, уруғ шаклида яшарди. Мана вазиятни ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Энди бояги гапга қайтсак. Таклиф нима бўлди? Умар розияллоҳу анҳу ўша пайт Мисрнинг волийси бўлган Амр ибн Осга мактуб йўллаб денгиз ҳақида, унда жанг қилиш маҳорати тўғрисида сўраб мактуб йўллайди. Волийдан эса қуйидагича жавоб хати келади:

**«Мадинадаги мусулмонлар ва денгиздаги кеманинг мисоли худди дарёга бир кичкина новда тушиб, унга осилиб турган чумолига ўхшайди. Бояги новда ағдарилди дегунча, зум ўтмай ҳашарот ҳам ҳалок бўлади».**

Вазиятни англаган халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Тажриба қилинмаган иш учун мен мусулмонларнинг жонини таҳликага қўя олмайман», деган қарорга келди. Бу зотнинг халифалик даври ана шу зайл давом этди<sup>8</sup>. Усмон розияллоҳу анҳу халифа бўлган кезлар флот масаласига рухсат берилади. Шунда ислом тарихида илк флот Муовия розияллоҳу анҳу бошчилигида курилади. Ҳазрати Усмон даврига келганда рухсат берилади. Ҳазрати Муовия денгиз флотини қурганлар. Биринчи қурган киши шу киши

<sup>6</sup> Ибн Касир. *Ал-Бидоя ва-н-Нихоя*. – Байрут: дор ибн Касир, 2007. – 13-жилд. – С. 131–135.

<sup>7</sup> Ибн Жарир Табари. Тарих ат-Табари: *Тарих ар-Русул ва-л-Мулуқ*. – Қоҳира: дар ал-маъориф. 4-жилд. – С. 210–215.

<sup>8</sup> Ибн Саъд. *Табакот ал-Кубро*. – Байрут: ДКИ, 1990. – 3-жилд. – С. 45–50.

бўлади Ҳазрати Муовия. Ҳаа. Қонида бор-да! Отаси ким? Кимсан Абу Суфён! Қурайшнинг бану Абдушшамс саййиди, қурайш зодагонлигига мутлақ даъвогар. Шернинг боласи шер бўлади-да<sup>9</sup>!

Кейинчалик Муовия розияллоху анху 20 йиллик халифалик даври мобайнида ҳам Константинопльни фатҳ қилишга, уни заифлаштиришга ҳаракат қилганлар. Хусусан бу пешона терлари ортидан Қибрис(Кипр) оролини фатҳ қилишга эриша олган<sup>10</sup>. Мана бу дебочалар, тамал тошлари таъсирида кейинчалик Умавийлар давридан, аниқроқ қилиб айтганда, Сулаймон ибн Абдулмалик номли шахсият бошқарувида ёппасига «ётиб олиб» Византия(Рим империяси)ни фатҳ қилишга оммавий ҳаракат бўлган. Шомда чегарага яқин ҳудудда, пойтахт Дамашқдан чиқиб Дабих деган жойда муаскар тузиб, қишин-ёзин ғазот қилганлар. Бир уларнинг фойдасига, бир гал эса мусулмонларнинг. Шу тарзда амалга оширилган ишлар гўёки кейин келадиган Фотиҳ Муҳаммад учун муқаддима, тайёргарлик вазифасини ўтаган.

Шу ўринда бир нуқтага эътиборингизни қаратмоқчиман, араб жазирасига денгизда жанг санъати бегона бўлганини юқорида таъкидладик. Энди қарангки, Константинопль ҳозирги Туркия ҳудудида жойлашган. Арабистон яриморолидан иқлими фарқ қилиши, табиий. Византия ҳудудида қиш, ёзи бор. Умавийлар шунинг эътиборидан алоҳида қишки ва ёзги кўшин тузишди. Қарангки, қишги кўшин учун алоҳида тайёргарлик, ёзги кўшин учун ҳам ўзига хос ҳаракат. Шу тарзда давом этиб Сулаймон ибн Абдулмалик охири Дабикда, ўша муаскар (ҳарбий полигон)да вафот этди. Умри поёнига етиши олдида валиаҳд сифатида Умар ибн Абдулазиз номини зикр қилиб, вазири Рожа ибн Ҳайвага махфий ҳолатда мактуб ёзиб қолдиради. Демак, Умар бин Абдулазиз ҳам ўша ерда бўлганлар. Шу тарзда вазир барча амир, волийларни бир жойга тўшлаб, хатни очадида: «Мендан кейин Умар ибн Абдулазиз халифа бўлсин», деган буйруқни ўқиб эшиттиради ва ҳаммага байъат олдиради. Халифа бўлган Умар ибн Абдулазиз ички ислохот ўтказиш, мусулмонларнинг ишларини яхшилаш мақсадида хилофотининг аввалги дақиқалариданок бутун кўшинни қайтариб, ғазот амалиётини тўхтатади. Қабул қилинган тўғри қарорнинг самараси ўлароқ атиги 2,5 йил давом этган халифалик муддатида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилади. Халифаликнинг истикболи аббосийлар бошқаруви билан давом этади<sup>11</sup>.

Таъкидлаш керакки, Ҳорун ар-Рашид даврига келиб Константинопль ҳамда мусулмонлар ўртасидаги ҳолат шундай даражага чиқдики,

<sup>9</sup> Имом Заҳабий. *Сияр аълам ан-нубало*. – Байрут: муассаса ар-рисола. – 3-жилд. – С. 120–125.

<sup>10</sup> Ибн Асир. *Ал-Камил фи-т-тарих*. – Байрут: ДКИ, 1987. – 3-жилд. – С. 98–102.

<sup>11</sup> Имом Абул Аббос белаурий. *Футуҳ ал-булдон*. – Байрут: муассаса ал-маъориф, 1987. С. 300–305.

мусулмонлар шу қадар азиз бўлдики, хатто Нақфур (Константиноплнинг ўша вақтдаги подшоҳи) йиллик тўлов орқали мусулмонлар билан ҳисоб китоб қилиш йўли билан кун кечирган. Уларнинг мусулмонларга нисбатан муомаласи: «Бизга тегмасаларинг бўлгани, ҳамма нарсага тайёрмиз», қабилида бўлган. Иш шу даражага етиб боргани ҳақида тарихий факт билан гапимизни далиллаб кетсак мақсадга мувофиқ бўлади:

«Нақфур(Nikephoros) тахтга келишидан аввал бошқарув аёл киши-Ирина кўлида бўлган. У Ҳорунга йиллик ўлпон тўлаш асосида эмин-эркин яшаб юрарди. Орадан вақт ўтиб, ҳокимият тепасига Нақфур келгач Ҳорун ар-Рашидга мактуб ёзди: «Мендан олдин тахтга заифа бир аёл ўтирди ва у халқимнинг пулини сенга берибди. Энди олганларингнинг барини менга қайтариб юбор!!!». Бу исённома халифага етиб бориши билан Ҳорун мактубнинг орқа тарафини ўгириб, қуйидагича жавоб юборди:

«Мен ким Ҳорун ар-Рашид Аллоҳнинг бандаси, мўъминларнинг амиридан Румнинг лайчаси Нақфурга. Эшитганинг эмас кўрганинг бўлади!» Бу билан халифа мен сен билан пачаклашиб ўтирмайман, нима бўлишини кўзинг билан кўрасан энди, деган маънода ёзган жавоб мактубининг кетиданоқ қўшинни оёққа турғизиб ўзи ҳам дарҳол йўлга тушди. Қўшинга халифанинг ўзи кўмондонлик қиларди. Шу зайл ислом байроғи остида ҳаракатланаётган бу «арслонлар» Константинопль томон йўл юришди. Шу тарика бориб Нақфурни тавбасига таянтриб ортга қайтишди. Йўлда эса аъёнларга Нақфур яна келишувни бузгани ҳақида хабар келди. Халифанинг бу гапдан хабари йўқ. Ички тузилма халифага бу хабар етказилса, яна ортга қайтишга тўғри келиши, қиш мавсуми бўлгани, тиззагача қор ёққани сабаб қўшинга ноқулайлик туғдиришини ўйлаб яширишга қарор қилишди. Бироқ Ҳорун бўлган ишдан хабар топди ва қайтиб бориб Нақфур ғаддорни тиз чўктириб, изига қайтди<sup>12</sup>.

Мана, ваъда қилганимиз мусулмонларнинг шавкати юқори даражада бўлганини кўрсатиб берувчи тарихий воқеъликни эътиборингизга ҳавола этдик. Шу тарих ҳақиқатлиги учун ҳам бунинг ҳазмига қийналган Ғарб қаламкашлари томонидан Ҳорун ар-рашид қачон қарама қораланиб ёзилган ва ёзилади ҳам. Бундай бўлиши табиий ҳол! Шайх Муҳаммад Саъид Рамазон ал-Бутийнинг таъбири(إذ يقولون) китоби) билан айтганда: “Уларнинг авлодлари ота-боболарини тиз чўктирган одамни нима яхши деб ёзсинми?”. Ёзмайди ҳам, бундан улар аламзада. Ҳорун ар-Рашид даври бутун шармандаликларга бой бўлган, ўзи эса жорияпараст, майпараст, саройида кайфу сафодан бўлак иши бўлмаган, ташқарида эса қароқчилик ҳукм

<sup>12</sup> Ибн Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. – Байрут: ДКИ, 1987. – 5-жилд. – С. 200-205.

сурарди, деб гавдалантириши табиий ҳол экан. Ичида ғарази бор, ота-боболари учун ўч оламан деб нафас олиб чиқараётган ноинсоф кишининг аҳволи шу! Халифа ҳақидаги кинолар ҳам шу каби бузуқ тарихий маълумотлар билан тўлатилган сценарийлар асосида суратга олинади<sup>13</sup>.

**Хулоса:** Муҳтарам ўқувчи, энди ўзингиз айтинг-чи: тарихга эшикдан кирмай, лой чапланган дераза орқали мўралаганидан кейин оддий талабалар, омма халқ нима йўл тутати? Аввалгиларимизнинг ҳоли шунақа бўлса, биз улардан ўтиб нима бўлардик, аслимиз нима бўлса, биз ҳам наслимизга тортамыз, деб юраверади. Аслида эса «**Қулоғингизга шивирлаётганлар, сизни чалғитишга уринади**».

Тарихий ҳужжатларни бу қадар синчиковлик билан варақлашимиз, сўзбошини Константинополь билан бошлаганимизнинг сабаби нима экан деб ўйлашингиз мумкин. Ҳадис илми бўлса, тарихга нима ҳожат деган ҳаёл келиши мумкин. Бу тарихий муқаддима Абдуллоҳ ибн Муборак билан Тарсусда бўлган воқеа ҳақида гапириш учун керак эди. Токи, сиз азиз ўқувчи Абдуллоҳ ибн Муборак Тарсусда нима қилиб юрибдилар, деб ҳайратдан ёқа ушламанг. Тарихий вазиятни яхши тасаввур қилишингиз ва боридай англашингиз учун тўғридан-тўғри Абдуллоҳ ибн Муборак ҳақида гапириб кетмадик. Абдуллоҳ ибн Муборакнинг даври Аббосийлар халифалигига тўғри келади. У кезлар Торосус гуллаб-яшнаган, равнақ топган эди. Ҳижоз, Ироқ каби ҳадис маркази сифатида оламга бўй чўзганди Торосус диёри. Унинг бу каби тамаддуний юксалишида географик жойлашуви ҳам катта сабабчи бўлган. Иқлими мўътадил ҳудуд бўлган Торосусга келувчиларнинг кети узилмаган. Одатда, одам чўлу биёбонларга сафар қилмайди, қуёши одамни куйдирадиган ўлкаларга талпинмайди. Бунақанги ҳудудлардан ўзини олиб қочади. Бағдод – даруссаломнинг ҳам донғи ортиши шундан бўлган. Чунки бу шаҳар Дажла ва Фуротнинг шундоққина биқинида Ҳорун ар-Рашиднинг бобоси Абу Жаъфар Мансур томонидан қурилган. Улар Бобил(Месопотамия) жойлашган координатларига тўғри келади.

### ФОДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Доктор Саййид Ризвон Али. Ас-Султон Муҳаммад Фотих батол ал-фатҳил Исламий фи урубба аш-шарқийя. – Саудия: дор ас-суъудийя, 1982. 180 с.
2. Ибн Касир. *Ал-Бидоя ва-н-Ниҳоя*. Байрут: дор ибн Касир, 2007. 13-жилд. – 817 с.

<sup>13</sup> Юсуф Қарзовий. Тарийхуна ал-муфтаро алайх. – Қоҳира: дор аш-шурук, 2006. – С. 50-60.

3. Ибн Жарир Табари. Тарих ат-Табари: *Тарих ар-Русул ва-л-Мулук*. Қоҳира: дар ал-маъориф. 4-жилд. – 584 с.
4. Ибн Саъд. *Табақот ал-Кубро*. Байрут: ДКИ, 1990. 3-жилд. – 488 с.
5. Имом Заҳабий. *Сияр аълам ан-нубало*. Байрут: муассаса ар-рисола. 3-жилд. – 567 с.
6. Ибн Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. Байрут: ДКИ, 1987. 3-жилд. – 505 с.
7. Ибн Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. Байрут: ДКИ, 1987. 5-жилд. – 515 с.
8. Имом Абул Аббос белазурий. *Футуҳ ал-булдон*. Байрут: муассаса ал-маъориф, 1987. – 777 с.
9. Юсуф Қарзовий. Тарийхуна ал-муфтаро алайх. Қоҳира: дор аш-шурук, 2006. – 324 с.